# ЯРМИ МОЙ, ЯРМИ ТОЙ

Махсар — бир йиллик, иссиқсевар, қурғоқчиликка чидамли, лалмикор майдон экинидир. Қадимдан Марказий Осиё халқлари бу экинни асосан мойи кўплиги, сифати юқорилиги ҳамда поясининг чорва учун тўйимли озуқа бўлгани учун экиб келишган. Унинг кунжараси мол иштаҳа билан истеъмол қиладиган емиш ҳисобланади. Махсар донининг мойидан сифатли маргарин, алиф мойи олинади. Шунингдек, совунни қайнатишда, линол ишлаб чиқаришда, оқ бўёқ ва эмаллар тайёрлашда ишлатилади.

Махсар уруғи таркибида 40 фоизгача мой бўлади. Махсар пичанининг таркибида оқсил миқдори 13-14, қанд моддаси 9, ёғ моддаси 6-7 ва клечатка 22 фоиздан иборат.

«Ғаллаорол» тажриба хўжалигида олиб борилган амалий ишлар шуни кўрсатадики, товуқлар махсар уруғи билан боқилганда тухум бериши 1,3-1,5 баробарга кўпайди. Бу экиннинг сермойлилиги, поясининг серозуқа бўлишига қарамасдан уруғчилик тизими йўлга қўйилмаганлиги ҳамда уни кўпайтиришга старли аҳамият берилмаётгани ачинарли ҳолдир.

Тиббиёт соҳасида ҳам аҳамияти катта. Гулидаги гултожибаргининг сувдаги қайнатмаси сариқ касаллиги билан касалланган кишиларга ёрдам беради.

Махсар Ўзбекистоннинг лалмикор ерларида, текислик ва текислик-адирлик минтақаларининг қуйи қисмида экилади. Унга бошоқли дон экинлари яхши ва қулай ўтмишдош ҳисобланади. Махсарнинг бўйи 60-100 см бўлиб, пояси силлиқ ва туксиздир. Барглари наштарсимон тиканли ёки қисман тикансиз. Туп гуллари саватчасимон, сариқ-жигаррангда. Уруғининг ранги оқиш, мингтасининг вазни 20-30 граммдан ошмайди.

Махсар Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Миср Араб республикаси ва Жанубий Америкада кенг тарқалган.

*Тажриба, таҳлил, таклиф*

Ундан ташқари у Қирғизистон ва Тожикистоннинг лалмикор ерларида маданий ҳолда ўстирилади.

Республикамизда «Ғалла» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан яратилган ва районлаштирилган «Милютин-114» нави кенг тарқалган. Бу нав ҳозирги вақтда мазкур бирлашмага қарашли «Ғаллаорол» ва Қамаши районидаги «Ғаллакор» тажриба хўжаликларида чорва учун кўкпоя олиш мақсадида йилига 300-400 гектар ерга экилади.

Бу навнинг уруғи униб чиқиши учун мўътадил ҳаво ҳарорати 5-6 даража ҳисобланади. Аммо уруғ 2 даража илиқ бўлса ҳам униб чиқа бошлайди. Майсалар ҳароратининг 15 даража совуғига ҳам чидайди.

Уни экиш бошоқли дон экинларидан кейин режалаштирилган бўлса, у ҳолда ғалла ўрилиши билан ер кетма-кет 20-22 см чуқурликда ҳайдаб қўйилади. У тоза ёки банд шудгорга экилса яна ҳам маъқул. Экиш олдидан ҳайдалган ер боронатиркалган чизель билан юмшатилади.

Махсар минерал ўғитларга жуда талабчан. Шу сабабли фосфор ўғитлардан амофос гектарига 100 кг ҳисобидан экишдан олдин ерга ишлов беришда солинади. Эрта баҳорда эса худди ғаллага берилгани сингари селитра (гектарига 100-110 килограмм) Т-28 тракторига тиркалган НРУ-0,5 машинаси ёрдамида сочилади. Экиш жуда оддий. Ғалла экадиган СЗТ-3,6 сеялкаси билан 4-5 см чуқурликда уруғ солинади, қатор ораси текислик минтақасида 30 см, текислик-адирликларда эса 45 см. кенгликда экилади. Экиш меъёри гектарига дон учун 8-10 кг, кеч кузда эса бу меъёр кўпайтирилиб 10-12 кг. га етказилади. Майсалар эрта баҳорда махсар экилган қатор йўналишининг кўндалангига бороналанади. Экин қалин бўлса қаторнинг 1 метр узунлигида 6-7 дона ёки ҳар 15 см. да 1 та ўсимлик қолдирилади. У ҳолда қатор ораси 30 см. бўлганда гектарига 230 минг кўчат, ораси 45 см. бўлган ерда эса 155 минг кўчат қолдириш мақсадга мувофиқдир. Уруғлик олиш мақсадида эса қатор орасини 60 см. кенгликда экиш тавсия қилинади. Усимликларнинг қатор орасида бегона ўтлар кўпайиб кетса, майсалар иккинчи жуфт чинбарг чиқарган даврда 5-10 см. чуқурликда культивация ёрдамида юмшатилади.

Чорва молларини серширa кўк билан таъминлаш учун махсарнинг гуллари шоналаган даврда кўк поя ҳисобида ўриш мумкин. Бу даврда ўрилганда поясидаги барглари тўкилиб кетмайди. Лалмикор майдонларда гектаридан 60-80 центнердан кўк поя, 25-30 центнердан қуруқ пичан йиғиб олиш мумкин. Махсарни кўк пояси учун экилганда кунгабоқарнинг Чкалов гиганти нави билан навбатлаб экилади. Бу усулда ғалла экиладиган СЭТ-3,6 русумли сеялка бункери иккига бўлинади. Унинг бир томонига махсар уруғи, иккинчи томонига кунгабоқар уруғи солинади. Экиш маъёри гектарига иккаласидан ҳам 20 килодан олинади. Қатор ораси 45 см. ҳисобидан экилади. Бу экинлирнинг пояси гуллаш даврида сершира, озуқаси тўйимли бўлиб, уларни силос ўрадиган комбайин-сеялканинг йўналиши бўйлаб иккаласи баравар кўк поялари аралаштирилиб ўрилади. Шунинг ҳисобига кунгабоқар кўк поясининг ҳам сифати яхшиланади. Бироқ уни пичан учун кечроқ ўрилса, унинг озуқа сифати камайиб, пичани дағаллашиб қолади.

Яна шунга эътибор бериш лозим, махсар дон учун ўрилганда ўсимлик ҳолати мўътадил бўлиб унинг уруғлари пишиши билан СК-5 «Нива» комбайни ёрдамида ўриб олинади. Дон ҳосилдорлиги йилнинг келишига қараб 7-8 центнер, ҳатто 10-12 центнергача етиши мумкин.

**Ҳ. ИБОДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Дон ва озуқа экинлари уруғчилиги бўлими бошлиғи.**
**Т. МАМАТҚУЛОВ,**
**«Ғалла» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий ходими.**





**Чортоқ туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг Ёқубжон Усмонов бошчилигидаги бригада миришкорлари бу йил 60 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Уруғлик Андижон усулида плёнка остига қадалди. Айни кунларда бир текис ундириб олинган ниҳолларга дастлабки парвариш ишлари бошлаб юборилди. Заршунослар ҳар гектар ердан 40 центнердан оқ олтин саранжомлаш учун астойдил ҳаракат қилишаяпти.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Бригада саркори Ёқубжон Усмонов. 2. Плёнка остига чигит экилган пайкалларда ишлов бошланди.**

**Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.**

## Аҳвол қалай, пахтакор?

**Бувайда туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ишлашни ҳам, ўз вақтида дам олишни ҳам жойига қўйишган. Хўжалик раҳбарлари дала шийпонларини деҳқонларнинг чинакам оромгоҳига айлантиришга катта эътибор беришмоқда.**

**23 та дала шийпони эрта баҳорданоқ яхши таъмирланди, шинам жиҳозланди. Айниқса юқори ҳосилли — Маҳмуджон Мамажонов, Патилахон Эргашева ва Сиддиқжон Асқаровлар етакчилик қилаётган бригадаларда деҳқонларнинг иккинчи уйи — дала шийпонлари ҳавас қилса арзийдиган даражада чиройли безатилган.**

**Мана, биз М.Мамажонов бошлиқ 5-бригаданинг шинам дала шийпонидаги шарт-шароитни кўриб беғоят қувондик. Бу ерда хотин-қизларнинг нозик дидига мос алоҳида аёллар хонаси ташкил этилган. Шунингдек, болалар ва ҳакимлар учун ҳам алоҳида-алоҳида хоналар мавжуд. «Маърифат ва маънавият» хонаси рисоладагидек. Кўчма савдо дўкони меҳнат аҳлига намунали хизмат кўрсатаяпти.**

ШИЙПОНДА СУҲБАТ

**Дала шийпонининг бундай намунали ҳолатини таъминлашда Абдулла ота Рўзалиевнинг хизмати беқиёс.**

**— Озода ва сариштали жой — фариштали жой, —дейди Абдулла ота Рўзалиев. — Бригада томорқасидан 10 сотих ерга экинларнинг ҳамма туридан экамиз. Хилма-хил сабзавотдан тортиб, ҳатто ўсмагача. Қарабсизки, қозонимиз ҳар куни қайнайди. Кўпнинг ризқида барака бор...**

**Дарвоқе, бригада заршунослари баҳорнинг ҳар кунини ва ҳар лаҳзасини меҳнат қувончлари билан бойитишаяпти. 16 гектар майдонга чигитни плёнка остига экишди. Мурғак ниҳоллар қийғос униб чиқди. 30 гектар ерга эса оддий усулда барака уруғи қадалди. Ният ҳам шунга яраша— улар 45 центнерлик марранй кўзлашган.**

**Қаерда меҳнат ҳам, меҳнатчига эъзоз ҳам соз бўлса, ўша ерда — демакки, ишлар аъло деяверинг.**

Раҳимжон МЕЛИБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

# ДЕҲҚОН ТАЯНЧИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Машина-трактор парклари базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш техника хизмати кўрсатишни янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.

—Дастлаб республикамизнинг 15 туманида тажриба тариқасида машина трактор парклари (МТП) тузилган эди, — дейди «Ўзқишлоқтаъминоттузатиштаъмир» давлат кооператив қўмитасининг машина-трактор парклари бўйича бош бошқармаси бошлиғи Саидаҳмад Султонов. — Тажриба шуни кўрсатдики, янги ташкил этилган МТПлар дастлабки йилдаёқ ўзини оқлади. Бугунги кунга келиб МТПлар сони 180 дан ортиб кетди.

**— Республикамизда машина-трактор паркларининг ташкил этилиши деҳқон учун қандай енгиллик бераётир?**

—МТПлар томонидан иш бажарилганда, биринчидан, деҳқон даласига техника келишини бир неча кунлаб кутиб ўтирмайди, чунки унинг қўлида аниқ иш графиги, яъни шартнома бор. Қолаверса, ҳар бир механизатор ишнинг белгиланган муддатида бажарилишидан манфаатдор.

Шуни айтиш керакки, машина-трактор парклари 22503 трактор, 1407 ғалла, 404 шоли ўриш комбайни, 3200 пахта териш машинаси, 1600 автомашина ҳамда 122 мингдан зиёд бошқа турдаги машина-механизмларни ижарага олди. Жами 1,8 миллиард сўмлик асосий воситалар МТП ихтиёрига ўтди. Шунингдек, МТПлар хориждан келтирилган ўнлаб серунум машиналарни ҳам ўз балансига олди.

МТП томонидан бажарилган иш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда.

Бу борада Намангандаги «Мингбулоқ» МТПси иш фаолиятига назар ташлаш кифоя. Мазкур ташкилот ўтган йили 246 миллион 108 минг сўмлик иш бажариб бериш тўғрисида меҳнат шартномаси тузган эди. Натижа мўлжалдагидан анча юқори бўлди. Ишни буюртма асосида бажариш аввало деҳқон учун қўл келди. Улар ортиқча ташвишдан қутулди. Техника хизмати кўрсатиш сифати ошгани сари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши маданияти ҳам юксала борди. Шартномалар механизаторларни аниқ жадвал асосида ишлашга ўргатди. Мингбулоқликлар дастлаб хўжаликлардаги барча машина-трактор ускуналарини кейинчалик сотиб олиш шарти билан ижарага олган эди. Ўтган хўжалик йилида МТП 281 миллион сўмдан кўпроқ сарф-харажат қилди. Олинган фойда эса қарийб 13 миллион сўмга етди. Бу пулнинг маълум қисми «Гулбоғ», «Олтинкўл», «Узгариш» каби илғор хўжаликларга қайтариб берилди. Эндиликда ер ҳайдашдан шудгорлашгача бўлган барча ишларни МТП механизаторлари бажармоқда.

**— Жойларда Вазирлар Маҳкамаси қарорини бажаришда изчиллик кузатиляптими?**

— 1997 йилнинг 27 мартигача Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 108 дан ортиқ трактор парклари тузишга қарор қилинди. Энг аввало, МТП раҳбарларини танлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Айни пайтда узоқ йиллар мобайнида тўпланиб қолган техниканинг сарасини саракка — пучагини пучакка чиқариш лозим бўлди. Барча хўжаликлардаги техника ҳисобдан ўтказилди. Аммо бу билан иш дарҳол ўнгланиб қолмаслигини яхши биламиз. Айниқса хориждан келтирилаётган қудратли техникани мукаммал эгаллаган ўз кадрларимиз бўлиши керак. Шу мақсадда махсус курслар ташкил этилди. Машина тракторлар парклари зиммасига ўта масъулиятли вазифа юклатилган. Булар орасида энг муҳими қишлоқ хўжалик техникасига эҳтиёт қисмлар, узел ва деталлар ишлаб чиқаришни ташкил этишдан иборат. Айрим вилоятларда техникани сақлайдиган бостирма ва трактор парклари етишмайди. Жойларда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига сервиз хизмати кўрсатишни ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, республикамиз вилоятларида машина-трактор паркларининг ташкил этилиши қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишда яна бир муҳим қадам бўлди. Эндиги вазифа — катта умидлар билан бошланган ишни дадиллик билан ишлаб чиқаришга кенг жорий этишдан иборатдир.

**П.НИШОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЙЎЛИ ОЙДИН АЁЛ

*Фермерлик кони фойда*

Субҳидам сабоси майин эсади. Гала-гала бўлиб учиб юрган қушларнинг ёқимли сайраши, бепоён кенгликлардаги кўм-кўк майсалар денгизининг мавжи кўнгилда илиқ ҳисларни уйғотади. Беғубор тонг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олганча дунёнинг ғаму-ташвишларини унутиб, бирпас кўм-кўк майсалар устида осмонга термулганча хаёл суриб ётгинг келади. Самода кезиб юрган паркут булутлар гоҳ чўк тушиб мудраётган туяга, гоҳ оппоқ соқоли шамолда ҳилпираб турган балиқчи чолга, гоҳ оппоқ жуни ҳурпайганча шаталоқ отиб чопаётган қўзичоққа ўхшаб кетади. Ҳа, чўлнинг осмони ҳам гўзал, жозибали. Ундан осонликча кўнгил узиб кетиб бўлмайди. Айниқса, чўлнинг одамларини айтмайсизми? Бари қатъиятли, бир сўзли, бағри очиқ кишилар. Ойсифат опанинг умри шуларнинг орасида кечаяпти. Пешона тери билан топганини шу элга беради. Фермерман деб жон койитиб юрганлигининг боиси ҳам шунда. Бўлмаса бир куни ўтмай қолган эмас. Болалари ҳам ўзини ўзи эплайдиган бўлишган. Эрининг топиш-тутиши ҳам ёмон эмас. Ундан ташқари шифокорликдек тузуккина касб-кори ҳам бор. Деҳқон қизи эмасми, барибир, кўнгли далага тортди. Бундан уч-тўрт йил аввал деҳқон (фермер) хўжалиги ташкил этишга қатъий бел боғлади. Шу-шу «Фермер опа» бўлиб элнинг тилига тушди, каттаю кичик ўртасида эътибор топди.

Ногаҳон эшикнинг тақиллашидан Ойсифат опанинг хаёли бўлинди. Апил-тапил ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Ҳовлида умрдошининг кўп йиллик қадрдони Саидмурод муаллим, унинг ёнида эса бахмал ғилофга ўралган қандайдир асбобни қўлтиқлаган барваста келбатли, чўққисоқол бир киши турарди. Меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Саломаликдан сўнг келганларни ичкарига таклиф этди. Улар кенг уйда тўшалган шойи кўрпачага эндигина чўк тушган эдилар ҳамки, уй эгаси Очил ака келиб қолди. Эски жўралар хушчақчақлик билан қучоқ очиб кўришдилар.

— Бу киши ўзимизнинг Қўнғиротлик Исмоил бахши бўладилар. Кеча Қаршига тўйга борувдик. Қайтишда йўл-йўлакай сизларни бир кўриб кетайлик дедик. Йўлда кела-келгунча сиз билан янгамни таърифладим, — деди меҳмон.

Шундан сўнг суҳбат суҳбатга уланди. Мезбонларнинг илтимоси билан бахши қўлига дўмбирасини олиб куйлай бошлади. Бир зумда мунис оҳанглар қанотида Қўнғирот тоғларининг дилхуш ҳавоси хонага кириб келгандай бўлди. Бахши жўшиб-жўшиб куйлар экан, ора-орада уй эгаларининг ҳам таърифини келтирарди:

**Ойбарчиндан қолишмайди келбати,**
**Айтсам адо бўлмас минг бир сифати.**
**Чўл бағрида бинафшадай яшнаган.**
**Ҳеч аримас уйидан дўст, улфати.**

— Э, яшанг, бахши, — Саидмурод муаллим завқланди. — Янгамизни яхши мақтадингиз. Рост, янга тилло аёл. Бу ердагилар билан ҳам эгачи-сингилдай чиқишиб кетганлар. Қарийб ўн олти йил ҳамширалик, доялик қилиб элга хизматлари сингган. Мана энди, фермер бўлиб кўпчиликдан зиёд ишлаяптилар.

Ойсифат опа меҳмонларни кузатиб энди ичкарига кирувди ҳамки, кеча Шодиёна опасини кўргани қўшни қишлоққа кетган ўғли Ойбекжон келиб қолди. Ойсифат опа ўзининг кундалик югур-югурлари билан бўлиб қизини кўргани боришга ҳам кўпинча вақт топа олмайди. Шунинг учун ҳам уникига ўғлини юборганди. Ойсифат опанинг худодан тилаб олган фарзандлари шу ўғли билан қизи. У Очил ака билан турмуш қургач, қарийб ўн йилгача фарзандли бўлишмади. Ушанда ҳам у тақдирга тан бериб яратганга илтижо қилганча яхши кунлардан умидини узмади. Қайнотасининг катта хонадонида овсинларининг болаларига ўз боласидай қаради. Бировига қовоқ уйгани йўқ. Шунинг учун қайнилари ҳам, овсинлари ҳам унинг бир сўзини икки қилишмайди.

Ниҳоят, Оллоҳ унга ҳам фарзанд берди. Аввал қизи, сўнгра ўғли туғилди. Болаларни меҳнаткаш, одобли, инсонни қадрига етадиган қилиб тарбиялашди. Икки-уч йил аввал қизини турмушга узатди. Мана энди Ойсифат опа икки набиранинг бувиси. Ўғли Ойбекжон эса мактабни тугатиш арафасида турибди.

Умр деганлари бамисоли дарё экан. Ўтган ҳар кунингдан кўнгилда гоҳ андуҳ, гоҳ қувонч изи қоларкан. Бу ёруғ дунёда умрнинг ҳар лаҳзасини яхшиликка бахшида этиб яшаш керак. Дунё деб аталган қадим иморатга ақалли биттагина ғишт қўйган одам ҳам Оллоҳ мағфиратига сазовор бўлармиш. Савоб ишларга қўл уриш, муҳтожларга мурувват кўрсатиш Ойсифат опанинг одатига айланган. Унинг умр фалсафаси ана шундай. У кун чошгоҳга яқинлашганда апил-тапил кийиниб дала томон йўл олди. Ойсифат опа бепоён кенгликларга суқланиб боқди. Эрталаб сим-сим томчилаб ўтган ёмғирдан сўнг феруза осмон юзи артилган шишадай тиниқлашган, ўт-ўланлар юзида биллур томчилар марвариддай товланиб нигоҳни ўзига жалб этарди.

Ойсифат опа фермер хўжалигига келиб ишнинг мароммини кўздан кечирди, сағрини ялтиллаб турган моллар атрофида куйманиб юрган Рўзи чўпонга юзланди:

— Ишқилиб кўз тегмасин-у, ўттиз бош қорамолимизнинг ҳаммаси зотдор.

— Худо хоҳласа, бу йил гўшт ҳам, сут ҳам кўп бўлади. Чорва йили ахир, — чўпон бироз ўйланиб туриб давом этди.

Фермер опанинг моллардан кўнгли тўлди чоғи юзида мамнунлик ифодаси пайдо бўлиб, қадрдон даласига йўл олди. Зеро, чўпонлар Рўзиқул Довуров ҳам, Холиқ Эшқобилов ҳам меҳнаткаш, асл инсонлар. Улар қорамолларни соз парваришламоқдалар. Ўтган йили Ойсифат Раҳимова бошлиқ деҳқон (фермер) хўжалиги аъзолари 10 гектар ердан 38 тонна «оқ олтин» териб олиб кўпчилик тилига тушган эдилар. 5 гектар ердаги беда ҳам ёмон бўлмади. Умуман йиллик даромади бир милион сўмдан ошди. Ойсифат опа нафақат Қарши туманида, балки Қашқадарёда ҳам бақувват фермер хўжалигига раҳбарлик қилаётган фермер аёл сифатида танилди. «Сифат» фермер хўжалигининг бу беҳаловат дилбар аёлини чўл маликасига қиёслаш мумкин. Оппоқ булутлар ортидан тилларанг нур сочаётган қуёш тафтида адоқсиз даласига ёруғ ният билан кетаётган аёлнинг қалбида бир дунё орзулар мужассам, унинг йўли эса ёруғ ва ойдиндир.

**Даврон СУЛТОН.**

# ҲОСИЛОТНИНГ ХОЛИС НИЯТИ

Жиззахнинг Учтепаси нега шундай номланганини биласизми? Тарихдан тепаликлар душманни кузатиш, элни ёвдан бехатар сақлаш вазифаларини бажарган. Жиззах тумани Ҳамид Олимжон номли пайчилик хўжалиги ҳудудида учта шундай тепалик мавжуд. Уларнинг ўзига яраша сир-синоати, мўъжизакорлиги ва файзи бор. Хўжалик раҳбарларининг уддабуронлиги ва ишбилувчилиги туфайли тарихнинг не-не қонли воқеалари гувоҳи бўлган тепаликлар ҳам ободонлаштирилиб, бағрида боғлар яратилмоқда.

Тепаликларнинг бирида 1916 йил Жиззах қўзғолонида ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилган. Атрофида гулзору боғлар барпо этилди. Ўтганлар руҳини шод этиш азми савоб. Савобларнинг раҳмати бор.

Учтепанинг ерлари унумдор, деҳқонлари меҳнатсевар, тадбиркор-ишбилармон. Дастурхони неъматларга тўкинсочин. Хассос шоир номи билан аталувчи пайчилик хўжалигининг вилоятда ўз ўрни, тош-тарозиси бор. Ҳар жабҳада пешқадамлар сафида. Бир минг уч юз йигирма беш гектар майдонга ўн бир иш кунида ўн беш нафар сеялкачилар соз ва сифатли қилиб чигитни экиб бўлишди.

Андижонликлар усули ўзини оқламоқда. Плёнка остига экиш расм-русумлари пухта ўрганилиб, махсус сеялкалар ёрдамида юз гектар майдонга чигит шу усулда экилди. Меливой Комилов, Равшан Халилов, Холмурод Абдурасулов, Қудрат Бекмуродов, Ҳусанбой Исматов каби механизаторлар чигит экиш мавсумида тажрибали сеялкачи эканликларини яна бир бор кўрсатдилар. Чигит белгиланган миқдорда қатор ораларига тушди. Экин майдонларида мурғак ниҳоллар кўринди.

—Эккан чигит соз униб чиқса деҳқонларга қувонч, — дейди хўжалик бош ҳосилоти Орзиқул Рашидов. — Культивацияни бошлаб юбордик. Баҳорнинг ҳар дақиқаси ҳисобли. Бободеҳқон кузда кўтарадиган хирмонига бугун замин яратмоқда.

Минг тўқсон тўрт гектар ғаллазорнинг мавжи ўзгача. Бошоқлар кўриниб қолди. Шу пайтгача ғаллазорлар икки марта озиқлантирилди, суғорилди. Насиб этса, яхши ниятлар рўё топса, ғалладан юқори ҳосил олинади. Бунинг учун барча имкониятлар ишга солиняпти.

Мавсум, гоҳо юз берган тошқин, ёмғирлар деҳқонни шоширмоқда. Бардошини синамоқда. Ун гектарга эртаки помидор, бодринг, қанд лавлаги экилди. 281 гектар майдонга беда сепилган. Юз гектар узумзор, юз эллик гектар боғларга шакл берилиб, оралари қайта ишлангани, агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилгани боис ҳосил нишоналаридан кўнгиллар тўқ.

Ҳа, ҳосилотнинг нияти холис: деҳқоннинг хирмонлари оқ-олтинга, омборлари ғалла-донга, дастурхонлари нознеъматга, ҳамёнлари даромадга тўлса дейди.

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

